

БУГУНГИ КУН ТАЛАБА ЁШЛАРИДА АХЛОҚИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Дилбар Каипбергенова

Тошкент давлат техника университети

“Механика” факультети “Амалий инглиз тили” кафедраси катта ўқитувчиси

Жуманиёзова Н.С

Ташкент давлат транспорт университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси в.б. доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кун талаба-ёшларида ахлоқий дунёқарашини шакллантириш усуларида нималардан фойдаланиш талаб этилади ҳозирги глобаллашув шароитида дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан ёшларни ҳимоя қилиш масалалари алоҳида тўхталиб ўтилган.

***Калит сўзлар:** Инсон, жамият, , социал, сиёсий, табиий –иқлимий, экологик, демографик, мафкуравий ва ҳарбий Таҳдидлар. ижтимоий таҳдид.*

ABSTRACT

In this article, what should be used in the methods of forming the moral worldview of modern schoolchildren, the prevention of various spiritual threats that are increasing in the world in the context of modern globalization, as well as the issues of protecting young people from the harmful effects of "mass culture" are discussed separately.

***Key words:** Man, society, social, political, natural-climatic, ecological, demographic, ideological and military threats. social threat.*

КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида таълимни тизимни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида бир қатор амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрда қабул қилинган ПФ-5812-сон “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида”ги фармонида профессионал таълим муассасалари учун бир қатор

вазифалар белгиланган бўлиб, уларнинг барчаси таълим самарадорлигини ошириш ва соҳалар бўйича ўз дунёқарашига ега бўлган йетук мутахассисларни тайёрлашга қаратилган Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши, уларнинг улуғ аждодларимизга муносиб ворислар бўлиши учун барча имкониятлар ташкил этиб келинмоқда. Юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилаётган муҳташам таълим муассасалари, спорт иншоотлари ва бошқа имкониятларнинг барчаси ёшларимизнинг жисмонан соғлом, маънавий юксак бўлиб камол топишига қаратилган. Бунга жавобан ёшларимиз эришаётган ютуқлар ҳам оз эмас. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугунги кунда глобаллашув шароитида маънавий таҳдидлар кучайиб бораётганига ҳам эътибор қаратиш лозим. Улар биринчи навбатда ёшларни ўз домига тортишга қаратилган.

Ҳозирги глобаллашув шароитида дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан ёшларни ҳимоя қилиш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар онгини ёт ғоялар таъсиридан асраш, ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, жинойatchилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва терроризм иллатларининг олдини олишга кўмаклашиш ҳамда ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш лозим. Ахборот глобаллашуви туфайли турли мафкуравий таъсирлар, айниқса, ёшлар тафаккурини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучайган бугунги даврда бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Юртимизда ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри шакллантириш, уларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, онгу тафаккурини юксалтириш маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан биридир.

Глобаллашувнинг ёшлар тарбиясига ўтказаетган салбий таъсири қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

Биринчидан, информацион воситаларнинг юксак ривожланиши натижасида интернет, уяли телефон, телекоммуникациялар ва турли ахборот нашрларининг кириб келиши. Бу воситалар орқали таклиф этилаётган “қадриятлар” кўп ҳолларда ёшларимизни ўзимизнинг миллий қадриятларимиздан узоқлаштириб қўймоқда, ўз тарихий илдизларидан узоқлашувига олиб келмоқда.

Иккинчидан, “оммавий маданият” турли хил кўринишларининг ёшлар орасида тобора кенг тарқалиши. Булар асосан кийинишда, қизиқишларда, бўш

вақтни ўтказишда, дидларнинг саёзлашувида, миллий кадриятларга муносабатда намоён бўлмоқда. Ёт маданият кадриятларини ўзида ифода этаётган “оммавий маданият” ёшларимизда индивидуализм, эгоцентризм, андишасизлик, беҳаёлик ва зўравонлик, миллий кадриятларга ва ижтимоий манфаатларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни келтириб чиқармоқда.

Учинчидан, ёшлар орасида тақлидчилик, ғарбона иллатларга кўр-кўрона эргашиш каби ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Бунда, хорижда кенг тарқалган ахлоқий ва маънавий юриш-туриш андозаларининг кинофильмлар, мода ва турли хил рекламалар орқали ёшларимизнинг онгини чулғаб олаётганлигини сезиш қийин эмас. Оқибатда, ёшлар ўртасида китоб ўқишдан кўра компьютер ўйинлари олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги фильмларни томоша қилиш одат тусига кириб бормоқда. Инсоннинг тақдири, келажак ҳаётидаги ютуқлари ёки муваффақиятсизлиги, бахтли ёки бахтсизлиги, касб танлаши, ҳаттоки кайфияти, унинг оилавий муҳити билан боғлиқдир. Оиланинг тақдири эса инсоннинг ўзига боғлиқ. Жамиятнинг маънавий қиёфаси оилаларнинг қандайлигига боғлиқлиги азалий ҳақиқат. Чунки, оила жамиятнинг ижтимоий-маънавий бўғини, кичик бир вакили бўлиб, айнан оила заминида халқимизнинг бугунги куни ва келажаги бунёд этилади. Агар оилада тартиб-интизом бўлса, унинг аъзолари шу хислатларини хизмат жараёнига кўчиради ва ижтимоий меҳнат фаолиятларида қўллайдилар. Бу эса, уларнинг ўз хизмат вазифаларини юксак даражада бажаришларига сабаб бўлади.

Оила бу одоби ахлоқ, хушмуомлалик, меҳнатсеварлик асосида қурилган бўлиши, инсонлар ўртасидаги муносабат ва мулоқотларда ўта муҳим ва шахснинг феъл-атвори, юриш-туришида алоҳида аҳамият касб этади. Агар оила ўз фарзандини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбияласа, бу ҳис-туйғу унга бутун ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир[1],” – деган эди. Шарқ мутафаккирлари меросида таълим-тарбия, хусусан, оилавий тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Улар болаларни тарбиялашни жамият тақдирини, миллатнинг келажagini белгилайдиган асосий мезон деб ҳисоблаганлар. Уларнинг педагогик қарашлари замирида ижтимоий идеал сифатида комил инсон ғояси ётади. Улар тарбияда ижтимоий ва биологик томонларнинг ўзаро муносабати ҳақида тўхталиб, тарбияда ирсият ва муҳит

таъсири бирдек эканлиги, тан ва руҳ соғломлигининг бирлиги каби масалаларни ўртага ташлайдилар. Уларнинг ақлий, меҳнат, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбиянинг бирлиги ҳамда уларни амалга ошириш йўллари ҳақидаги ва оилада болалар тарбияси ҳақидаги фикрлари мазкур муаммоларнинг кўпгина жиҳатларини қамраб олади ва улар муайян тарбияшунослик бўйича қарашлар тизимини ташкил этади. Ана шундай дурдона асарлардан бири А.Фитратнинг “Оила” асаридир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жумладан, А.Фитрат ўзининг мазкур асарида фарзанд тарбиясида ақлий тарбия, бадан тарбия ва ахлоқий тарбиянинг ўрни муҳимлигини таъкидлайди. Мазкур учта тарбиянинг энг муҳими ахлоқий тарбия ҳисобланади. Ўзингиз хоҳлаганингизча болангизнинг ақлий ва бадан тарбияси билан машғул бўлишингиз мумкин ва қўлингиздан келгунча уни доно ва бақувват қилинг. Лекин ахлоқий тарбия талаб даражасида бўлмаса, ақли ва жисмоний кучини ўзи ёки атрофдагилар зарарига ишлатади. Бинобарин, боланинг ақлий ва жисмоний тарбияси самарасиз қолмаслиги учун фарзанднинг ахлоқий тарбияси билан жиддий шуғулланиб кўп ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлайди, – А.Фитрат. Ахлоқий тарбия – одам ахлоқини камолга етказиш демакдир, яъни одамни шундай тарбия қилиш керакки, феъли ва амали ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойдали ва манфаат келтирадиган бўлсин. Бошқача айтганда, одамнинг феъли ва ҳаракатида яхши фазилатларни тарбиялаш демакдир. Мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги янги босқичи оилавий тарбияда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг замонавий мезонларини ўртага ташламоқда. Бу мезонлар ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, миллий тафаккур, миллий тарбия каби тушунчаларда ўз ифодасини топган бўлиб, улар тарбия жараёнининг бугунги кунда ривожланиши учун муайян тарздаги бир мақсадга қаратилганини таъминлайди.

Абдурауф Фитрат ахлоқий тарбияни жисмоний ва ақлий тарбиядан кейинги – учинчи бўғин тарбия сифатида уқтириб, у «Инсонни комил, чиройли ахлоқ эгаси, жамиятга фойдаси тегадиган аъзо қилиб шакллантириш», деб уни амалга оширишнинг қуйидаги тизимини таклиф қилади. Болага ҳикоятлар воситасида ахлоқ қоидаларини тушунтириш. А.Фитрат Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг (XIII аср) маслағи ва ҳикоятларини тавсия қилади, унинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларида кичик ҳикоятлар воситасида ахлоқ қоидаларини баён қилади. Тарбиячининг ўзи ибрат бўлиши лозимлиги. Тарбиячининг сўзи билан хатти-ҳаракати уйғун бўлиб, у хатти-ҳаракати билан барчага ибрат, ўрнатма намуна бўлмоғи лозим. Бу борада олиб борилган илмий

тадқиқотларда “шахсининг маънавий-ахлоқий камолотида ибрат муҳим ўрин тутати, инсон феъл-атворини фақат панд-насихат, дашном ва ваъз айтишлар эмас, балки муносабат ва ибрат шакллантиради”, жумладан, ахлоқий онг, ахлоқий хатти-ҳаракат ва ахлоқий муносабат уйғун ҳолда инъикос этади.

Ёмонларнинг ёмонлигини кўрсатиб, яхшиларнинг яхшилигини уқтириб боришда муайян ижтимоий тузум ва муҳитни ҳисобга олиш, яъни ахлоқий тарбия реал воқелик ва амалий жиҳатлари билан маънавий-ахлоқий муҳитни муайян даражада барқарорлаштиради. Демак, ахлоқий тарбияни онгли ва мақсадли олиб бориш функционаллигини таъминлаш инсонда эзгу ахлоқни шакллантиришга асос бўлади. Муайян маънавий-ахлоқий фазилатларнинг тизимли таҳлили жамият маънавий-ахлоқий муҳити таракқиётига ривожлантирувчи таъсир кўрсатади. Жумладан, карамлилик – саховат, яхшилик, демакдир. Бу ҳалол ва пок, меҳнаткаш, меҳрибон бўлиш ва виждон амрига бўйсуниб яшашдир. Карамлилик маънавий-ахлоқий покланиш, ногиронларга, етим-есирларга хайри-эҳсон, яхшилик қилиш, уларнинг кўнглини кўтариш, моддий ёрдам бериш каби инсоний фазилатларни қамраб олади. А.Фитрат уни “одамларга яхшилик қилиб, миллатни юксалтириш”, деб тушунтиради.

А.Фитрат шижоат фазилатини изоҳлаб шундай ёзади: “Менинг орзуим, фалон жамоани писмадон ғайришаръий ишдан манъ этишдир... Бу эса менинг ишим, биров мени бу вазифадан манъ этолмайди, чунки бу менинг ҳуқуқимдир... Аслида комил инсон бундай мушқилот ва бемаъни тўсиқлар андишасига бормай эркинлик билан ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланади ва ўз вазифаларини бажо келтиради”. Зеро, шижоат инсонийлик шарафи бўлиб, у инсонга қадр-қиммат ато қилади. Шижоатнинг ҳақиқати қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатлигидан иборат. Бу ахлоқий фазилат замирида мақсадлар сари интилиш туйғуси мавжуд. Ҳар бир шахсда мазкур туйғу шакллантирилиши, унинг онги ва қалбига мазкур фазилат уруғи сепилиши керак.

Маънавий-ахлоқий фазилатлар занжирининг кейинги ҳалқасини саботлилик фазилати ташкил этади. У – улуғ мақсадга етишиш учун қатъий ҳаракатдир. Улуғ ишлар ва буюк мақсадларга интилган одамни ҳеч бир қийинчилик ва тўсиқлар тўхтата олмайди, балки бесабр ва шошқалоқ инсонлар ҳаётда ўз мақсадларини амалга ошира олмайди, натижада, жамият маънавий-ахлоқий муҳитига раҳна солувчи иллатлар илдиз отишига сабаб бўлади. Олимлар саботлилик фазилати жамиятда мўътадил муҳитни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, ушбу фазилат, аввало, ҳар бир кишида, қолаверса, ижтимоий фаол ва албатта, тарбия иши билан шуғулланувчиларда бўлиши кераклигини таъкидлаб, кишида саботлилик

фазилатини шакллантириш изчил ва узвий амалга ошириладиган ирода қуввати ва ҳалол меҳнатни талаб қилади. Бу фазилат инсонни кашфиётга бошлайди. А.Фитрат бунга қизиқарли бир ҳикоятни мисол келтиради. Хорун ар-Рашид (IX аср) замонида мусулмон маданияти ривожланди. Ҳатто, соат ихтиро қилинди. Хорун ар-Рашид улардан бирини Франсо (Франция) ҳукмдорига юборди. Ҳукмдор ажойиб совғадан ҳайратга тушди, соатни аъёнларига кўрсатди. Аъёнлари ҳайратда қолиб, хулоса қилдиларки: “Аҳли ислом қутининг ичига шайтонни солиб юборганлар”. А.Фитрат хулоса қиладики, бугун энди франсолар сабот билан ривожланиб, саноатдаги ихтиролари билан шайтонни ҳайратга солмоқдалар. Яна бир маънавий-ахлоқий фазилат ҳалимлилик бўлиб, одамни одамга биродар ва дўст қилувчи, яхшилик ва эзгуликка чорловчи хусусиятга эга. А.Фитрат “Комилу олим инсонлар нафсларини (ўзликларини) шундай тарбиялайдиларки, натижада, афв ва мадора, мулойимлик одатларига айланади” деб ёзади. Демак, ҳалимлик афв (кечиримлилик); муроса (келишувчанлик); мулойимлик (мўътадиллик) каби хулқларни шакллантириш орқали юзага келади. Ўзлигида ҳалимлик фазилати бўлган киши руҳан кучли, хушхулқ, нодонликка қарши курашувчи тинчликсевар инсондир. Ҳалимликни мазмунан тўлдирувчи фазилат садоқатлилик ва садоқат кўрсатиш, яъни инсоний ва фуқаролик ҳуқуқларимиздан фойдаланиш, барча бурч ва вазифаларимизни ҳазрати инсон мавқеига муносиб бажаришни англатади. Садоқат ижтимоий ахлоқ тизими сифатида инсонни икки оламда бахтга етакловчи ва маънавий-ахлоқий омилдир. “Бу дунёда мўътабар, охиратда бахтиёр бўлишни истаганлар, – деб ёзади А.Фитрат, – ўзларида сидқ (садоқат М.Қ.)ни пайдо қилиб, доимий одатларига айлантиришлари керак. Ижтимоий алоқаларнинг ягона назоратчиси сидқу садоқатдир”. Киши ўзлигидаги садоқат туйғуси билан ижтимоий фойдали шахсга айланади. Садоқат эзгу ишларга фидойи бўлиш натижасида шаклланади. Шу маънода, садоқатли киши ҳақиқатгўй шахс сифатида талқин қилинади. Агар оилада садоқат бўлмаса, у уйда осойишталик ҳам бўлмайди, шу боисдан, у аввало микро муҳитдаги ахлоқий ҳаракат ва муносабатларда намоён бўлади.

Маънавий-ахлоқий фазилатлар узвийлиги ва функционалигини таъминлашда қаноатнинг ўзига хос ўрни бўлиб, у инсонни воқеийликда ҳалол меҳнат орқали топилган неъматларга шукур қилиб яшаш орқали инсоний мартабани сақлаш ва яхшиликка интилишдир. Ўз даврида А.Фитрат ўз замонида таркиб топган қаноат талқинини танқид қилиб, “Биз туркистонликларда ажиб бир ҳолат борки, ахлоқий фазилатларни ва шаръий амрларни ё билмасдан, ё билиб, яъни қасддан хато, ғалати тушунамиз. Масалан,

бугун уйда ўтириб, ҳеч ерга чиқмай, саъй-ҳаракат қилмай, қотган нонга рози бўлишликни қаноат деб ўйлаймиз”[13]деб ёзган. Бу қаноат эмас, балки танбаллик ва ношудликдир. Қаноат маънавий-ахлоқий фазилат сифатида мавжуд нарсаларга шуқур қилиш, нафсни жиловлаш замирида ахлоқий онг, ахлоқий хатти-ҳаракат ва ахлоқий муносабат орқали ўзи ва халқига манфаат келтирувчи фаолиятдир. У инсонийликни сақловчи мезон, ахлоқнинг таркибий қисми сифатида мавжуд маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш ва ривожлантиришда ахлоқий назорат, ахлоқий бошқарув ва ахлоқий тарбия вазифасини бажаради. Чунки юқорида келтирилган занжир халқалари тизимида ахлоқ ижтимоий онгнинг таркибий қисми сифатида ижтимоий муҳитда ижтимоий тарбияни амалга оширади. Қизиғи шундаки, ахлоқни ижтимоий тарбия ва онгнинг ҳосиласи сифатида тушуниш ислом маданиятида ҳам бўлган. Абу Наср Форобий илмли, ақлли бўлишни ахлоқ фазилатисиз тасаввур қилмаган, “билим, ақл, албатта, яхши ахлоқ билан безалмоғи лозим”, дейди.

Шахсни ҳақиқатгўй қилиб вояга етказиш. Ҳақиқатгўйлик муҳим ахлоқий қадрият сифатида шахснинг маънавий – ахлоқий қиёфасида алоҳида ўрин тутди. Ҳақиқатга интилиш шахсни жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам беради. Шу маънода, ҳақиқатгўйлик шахс характерида шакллантирувчи омиллардан биридир.

Шахсни инсонпарвар қилиб вояга етказиш. Инсонпарварлик шахс фаолиятига таъсир кўрсатувчи ва уни баҳоловчи муҳим ахлоқий тамойиллардан бири. Шахс ўз фаолиятида инсонпарварлик фазилатини намоён қилмас экан, у жамиятнинг илғор кишисига айлана олмайди. Зеро, жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида маънавий-ахлоқий тарбия муҳим ўрин тутди. Чунки жамиятимиз демократик қадриятларни қабул қилиб борган сари унинг аъзоларини «тарбияловчи» даъвогарлар кўпайиб бормоқда. Айниқса, турли диний оқимлар ўз мутаассибона, иллюзионизм хусусиятига бой тарбия йўлларида тикиштиришга уринишмоқда. Бундай шароитда маънавий-ахлоқий тарбия йўналишларини аниқ белгилаб олиш долзарб масала ҳисобланади. Шу маънода, маънавий-ахлоқий тарбия қуйидаги тамойилларга асосланади: мақсадлилиқ, онглилик, самарадорлик.

Ўзбекистон шароитида жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг асослари ва меъёрлари ўзига хос характерда бўлиши билан диққатни тортади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги

даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938 сонли Фармони муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Фармонда қуйидагилар назарда тутилади:

– жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш;

– жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама кўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш;

– оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, “Соғлом оила – соғлом жамият” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш каби масалаларни атрофлича ҳал қилиш назарда тутилган.

Ўзбекистон шароитида жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг асослари ва меъёрларини белгилашда фалсафий фикр тажрибаларидан унумли фойдаланиш лозим. Мисол учун, донишманд Арасту дейди: “Уч омил одамларни яхши ва эзгу хислатли қилади: табиат, одат ва ақл. Бу омиллар инсонда уйғун ҳолда мавжуд бўлиши керак”. Назаримизда, бу фикр эътиборга лойиқ. Унга кўра, инсон табиатни англаши ва унинг ҳаёти табиат қонуниятларига боғлиқлигини тушунмоқ лозим. У тирик мавжудот сифатида табиатдан ташқарида яшай олмайди ва шу сабабли табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлиши керак. Шунингдек, инсон ўзи мансуб бўлган халқнинг одатларини ўзлаштирмасдан жамият аъзоси бўла олмайди. У ўз жамиятининг тўлақонли аъзоси бўлиши учун халқининг одатлари, анъаналари ва маданиятини билиши даркор. Умуман, жамият маънавий-ахлоқий муҳити, кадриятлари ахлоқий категориялари асосини, умуминсоний ва миллий фазилатлар негизини яхшилик ва ёмонликни фарқлаш, виждон, ор-номус, ирода, ҳақиқат, инсонпарварлик, адолат, мажбурият ва ҳаётсеварлик каби инсоний фазилат ва хислатлар ташкил этади. Ўзида бу фазилатларни мужассамлаштирган ушбу уйғунлик жамиятда ижтимоий тартиблар, ҳуқуқ, одоб меъёрларини англаб олишга, унга риоя қилган ҳолда ижтимоий ҳаётни кадрлашга олиб келади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Мамлакатимизда “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси асосида “Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги – муҳим вазифамиздир” ҳамда “Биз вайронкор ғояларга қаршимиз” “Жаҳолатга

қарши маърифат” каби мавзуларида тадбирлар кўп жойларда ўтказилиб келинмоқда. Шу ишларни фаол аъзоси сифатида айтишим мумкинки, бу каби тадбирлар юртимиз аҳолиси, хусусан, ёшлар ва аёллар онгини заҳарлашга уринаётган кучларга алданмаслик учун ғоявий иммунитетни ошириш ва огоҳ бўлишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бутун дунёда содир бўлаётган глобал ўзгаришлар маънавий- ахлоқий онг муаммосини тушунишда фақат анъанавий тасаввурлар билан чекланиб қолиш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Ахлоқий кадриятлар иерархиясидаги тенглаштириш тамойили яққол кўзга ташланаётган ҳозирги вақтда шахс ва жамият фаолиятидаги мавжуд ахлоқий қоидаларнинг бузилишини, ахборот соҳасидаги мафкуравий таҳдидлар, хусусан, шубҳали ахлоқий маҳсулотларни тортиқ қилаётган “оммавий маданият” унсурлари эгаллаётганлиги билан изоҳланмоқда. Бундай муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишда маънавий-ахлоқий онгни юксалтириш масаласи беқиёс аҳамият касб этади. Шу маънода, ушбу вазият ижтимоий-фалсафа фанининг олдида талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини янада юксалтиришнинг самарали йўллари ва воситаларини аниқлаш билан бирга, амалиётга маънавий-ахлоқий онг ҳақида янада чуқурроқ билимларни тақдим этиш заруратини қўймоқда.

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг методологик ва услубий асосларини такомиллаштириш, уни объектив баҳолашнинг парадигмал мезон ва даражаларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар “ҳаёт маъносини англаш”, “ҳаётга мақсадли муносабатда бўлиш”, “ҳаётга мустаҳкам ишонч ва эътиқод”, “ватанни севиш”, “инсонийлик”, “оила масъулияти”, “касбга муҳаббат” ва бошқа шу каби ижтимоий-фалсафий концепцияларнинг таҳлили, маънавий-ахлоқий онгнинг турларини дефинициялаш, талабаларнинг маънавий- ахлоқий онгини юксалтириш муаммоларини ўз ичига олиб, халқаро миқёсда ёшларни маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг янгича моделларини яратиш ва амалиётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари маънавий-маърифий ишларда ҳам ўзгаришлар юз берди.

Маънавий юксалишнинг янгиланиши билан боғлиқ муаммолар, муносабатлар аҳолининг, айниқса ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ўзгартиришни талаб қилди. Маълумки, маънавий-ахлоқий онги юксак бўлган жамиятдагина барқарорлик бўлади. Фуқаролар ўзлигини англай олган, ҳуқуқ ва бурч, мажбуриятлари ҳақида тушунган, бир-бирини ҳурмат қила оладиган бўлади.

Жамият тараққийетининг ҳозирги босқичида инсон омили билан боғлиқ муаммолар ўз кўламига кўра ижтимоий фалсафа соҳасининг муҳим тадқиқот объектига айланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир”. Бундан хулоса қилган ҳолда, “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асрашга, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”. Шу боисдан ҳам ёшларда маънавий-ахлоқий онгни янада юксалтириш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда ва шунинг учун ҳам Президент ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш ҳамда ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш муҳим ташаббусни илгари сурди (биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқариш; иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш; учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш; тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш; бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш).

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев анъанага содиқ қолган ҳолда, ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш давр талаби эканлигини таъкидлайди: “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир. Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз”.

Талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришда маърифат алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, маърифат – маънавиятга олиб келадиган йўл, уни шакллантирувчи воситадир. Маърифат миллат тарихининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи ҳам давлатимизни халқаро миқёсда нуфузини янада кўтарди. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг

таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган.

Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг фикрича, покиза хулқ-атвор, гўзал ахлоқ-одоб, ҳалоллик, илоҳий маърифат – комиллик даражасига етиш манбаидир. Комил инсонларгина миллатнинг ёрқин кўзгуси бўлиши мумкин.

Фақат маънавиятли ва маърифатли инсонларгина халқ ва давлат манфаати, равнақи йўлида меҳнат қилишга қодирдирлар. Машҳур Шарқ мутафаккири Шайх Азизиддин Насафий комил инсон фазилатлари ҳақида гапириб, унинг юксак ахлоқли, ўзини англаган, дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган маънавиятли ва маърифатли бўлиши зарурлигини айтади: “Билгилки, Комил инсон деб, шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга нисбатан айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга еткан бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф” .

Ёшларни жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш руҳида тарбиялашда, уларга жаҳолатнинг объектига кўра қуйидаги кўринишларда, яъни жаҳолатпарастликнинг: 1) ич-ичидан мавжуд дунёвий тартибни кўролмасдан, унга нисбатан илмсизларча, яъни унинг моддий ва маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришларга нодонларча салбий муносабатда бўлишида; 2) давлат ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ислоҳотларнинг моҳиятини тушунмасдан, уларга жаҳл билан ақлсизларча қаршилиқ кўрсатаётганлигида; 3) узоқ ва яқин кўшни давлатлар билан тенглик ва ўзаро ёрдам тарзида ўрнатилаётган муносабатларга раҳна солишга уринишларида; 4) элат, миллат ва халқларнинг кадриятларини менсимасдан, уларни ваҳшийларча вайрон қилишга ҳаракат қилаётганликларида; 5) илм-фан ютуқларини тан олмасдан тараққиётга тўсқинлик қилаётганликларида; 6) дин ниқоби остида халқлар ўртасида низо чиқариб, мавжуд ҳокимиятни ағдариб ташлаб ўзларининг ҳокимиятини ўрнатишни авж олдираётганликларида; 7) инсонни олий қадрият деб ҳисобламасдан, болалар ва аёлларнинг ҳақ- ҳуқуқларини паймол қилиб, уларни сотиб юбориш эвазига катта маблағ тўплаётганликлари каби хатти-ҳаракатларида яққол намоён бўлишини тушунтирмоқ зарурдир.

Шу билан бир қаторда жаҳолатнинг субъектига кўра қуйидаги кўринишларда, яъни жаҳолатпарастликнинг: а) жамият ҳаётида вужудга келган

муаммоларни ақл, илм билан эмас, балки жисмоний куч ишлатиш йўли билан ҳал этишга уринишида; б) ўзига-ўзи маҳлиё бўлиб маърифатгўй донишмандларнинг маслаҳатларига қулоқ солмасдан ўта ўжарлик билан иш бажаришида; в) мансабпарастлик балосига чалиниб барча одамлар унга бўйсунушини, ўзи ҳеч кимга бўйсунмасликни хоҳлашида, бўйсунмаганларни ўзига ва жамиятга душман деб билишида; г) ўткинчи, юзаки нарсалар, мол-дунё, жисмоний лаззатлар, ҳирсу шаҳват, обрў, амал, шон-шуҳратни ҳақиқий бахт, фаровонлик деб ўйлашида ва билишида; д) обрўпарастлик балосига йўлиқиб, ўзаро бир-бирларини мақташ, кўкка кўтаришни яхши кўришида, уларни бошқалар сўзда ҳам ишда ҳам улуғлашларини исташларида; ж) мутлоқ ҳокимиятга эга бўлиб, ўзга халқларни қурол кучи билан кўрқитиб ўзига тобе қилиб олишга, яъни якка ҳукмронлик гаштини суришга бўлган хатти-ҳаракатлари шаклида намоён бўлишини кўрсатиб бермоқ керак.

Бу ҳақда Ш.М.Мирзиёев: “Биз “жаҳолат” деганда одатда диний жаҳолат, ақидапарастиликни тушунамиз. Лекин бугунги ҳаётий жараёнлар жаҳолат ҳамма соҳада ҳам учраши, агар унга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрамиз. Биз бугун жаҳолат деган балого иқтисодиёт соҳасида ҳам таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келаяпмиз ва бу иллат қўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан холос бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас”, – деган эди.

Бугунги жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг замонавий тактик усуллари қуйидагилардан иборат: бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкуралар тўрига тушиб қолган, аммо қўли “қон”га ботмаган ҳолда қайтиб келган фуқароларга нисбатан кечиримли бўлиш, яъни уларни авф этиш; кечирилган фуқароларни, уларнинг ота-оналари, оила аъзолари ва қариндош уруғларини камситмаган ҳолда иш билан таъминлаб ижодий меҳнатга, жамоат ишларига жалб қилиш; авф этилганларга нисбатан ҳар бир оила, ижтимоий гуруҳ, маҳалла ва бошқа жамоат ва меҳнат жамоаларида яхши маънавий-мафкуравий муҳитни яратиш; узоқ вақт давомида қўшни мамлакатлардан келиб, мамлакатимизда яшаб, ҳалол меҳнат қилиб, шу юртни танлаган, бироқ фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаганларни фуқароликка қабул қилиниши ва шу асосида уларнинг руҳини кўтариш; тўғри йўлдан адашиб, чет элларда хор-зор бўлиб, азоб-уқубатларни кўриб, тавбасига таяниб ўз ватанига қайтиб келган фуқаролар билан ёшларнинг учрашувларни ташкил этиб, бузғунчи-вайронкор ғояларнинг асл моҳиятини уларнинг вужудида чуқур ҳис эттириш, уларни

Ш.М.Мирзиёев кўрсатиб ўтганидек: “Билим билан, ақл ва маърифат, намунали ишлар билан ишонтириш керак. Тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олинган ҳаётий, таъсирчан мисоллар билан инонтириш керак” .

Маълумки, жамият тараққиётида, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида инсоннинг ижтимоий фаолияти, хусусан, унинг ахлоқий камолоти биринчи ўринда туриши керак. Ана шу ахлоқий жиҳат қанча юқори бўлса, биргина оилада эмас, балки бутун жамиятда ҳам инсонийлик юзага чиқиб, фаровон ҳаёт кечиришга имкон яратилади, чунки жамиятнинг энг катта бойлиги ана шу инсонлар ва уларнинг гўзал тақдиридир. Агарда юксак маънавий жамият шаклланишига қатъий ишонган, бунга чуқур эътиқод этадиган кадрлар етиштирилса, аввало шундай жамият бўлишига комил ишончи ва эътиқоди бўлган имонли, баркамол инсонларни тарбиялай олинсагина ана шу жамият ва давлатда барқарорлик, фаровонлик, осойишталик, тараққиёт тезлашади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, токи бугунги кунга қадар бу масалага давлат сиёсати даражасида қараб келинган. “Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ахлоқий онгнинг намоён бўлиш шаклларида бири – кишида маълум ҳаёт шароитлари ва тарбия таъсирида қарор топган қатъий билимлар ва ахлоқий тартиб-қоидаларга эмоционал муносабатдан иборат бўлган ишонч ҳисобланади.

Ишонч хулқ меъёрини субъектив қабул қилиш бўлиб, киши намуна оладиган ахлоқ тамойилларининг тўғрилиги ва адолатли эканлигига ишонч билдиришидир. Фақат ахлоқий ишонч бу билан чекланмайди, чунки бу фақатгина ахлоқий заруратни ақлий ҳиссиёт билан тушунишдир. Ахлоқий ишонч шахснинг бирон фаолият йўналишини, унинг мақсад сари интилиши, хулқнинг яширин мотивлари тузилмасини ҳамда унинг умумий нуқтаи назарини, ҳаётдаги ўрнини, яшаш маъносини белгилайди. Ахлоқий ишонч ўзида рационал ва эмоционал томонларни ифодалайди, бунда инсон ҳар қандай қийин шароитларда ҳам ўз тамойилларидан қайтмайди.

Маънавий камолот қирралари ва муаммолари ҳақида жуда кўп фикрлар айтиш мумкин, имкониятдан келиб чиқиб биз маънавий камолотнинг мезонларидан бири бўлган мустақил фикрлаш ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Мустақил фикрлаш элементлар шаклида деярли ҳар бир кишиларда мавжуд, яъни энг оддий ҳолатларда ҳам киши ўз-ўзини бошқаради. Аммо биз фикр юритадиган мустақил фикрлаш, юртимизда бўлаётган ҳар бир жараён ва

унта оид бўлган ҳар бир муносабатга нисбатан, ўз вақтида тўғри ва объектив фикр билдириш ва ўз муносабатини белгилаб олишдир.

Ёшларнинг мустақил фикрлаши ҳақида сўз борар экан, аввало, ҳозирги кунда ёшлар ўртасида. айнан шу фазилатнинг етишмаслиги оқибатида жамиятда келиб чиқаётган иллатлар ҳақида бир фикр юритайлик. Бу иллатларнинг кенг тарқалганлари: 1. Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик; 2. Ғоявий иммунитетнинг пастлиги оқибатида бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиш; 3. Ёшлар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарлиги.

Шу уч иллат, охир-оқибат ёшларимизга жиноятчи муҳрини босиш ва уларни том маънода йуқотишимизга сабаб бўлмоқда. Аслини суриштирганда буларнинг заминиди, мафкуравий тарбияга эътиборнинг камлиги натижасида ёшларнинг бу каби иллатларни келиб чиқиш сабаблари ва моҳиятини билмаслиги ёки очикдан- очик бу каби ҳодисаларга маънавий жиҳатдан қаршилиқ қилишга ожизлик, яъни мустақил фикрлай олмаслик, ўзгаларнинг фикрига, йўлига кўр-кўрона бўйсунуши ётибди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, ёш авлодга миллий истиқлол ғоясини сингдиришда ҳар бир ота-онанинг роли ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Ота-оналар ўз фарзандларининг мактабгача тарбияси, уларнинг руҳий маънавий тараққиётида қанчалик муҳим аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим ва тарбиянинг муҳим босқичи эканини англаб етишлари зарур. Бунда оиланинг таълим муассасалари тизимига изчил уйғунлашувига эришиш мақсадга мувофиқ бўлади. Демак, ота-она ёш авлодга бевосита таълим берувчи, мафкуравий тарбиянинг асосий ўчоғи саналмиш барча таълим муассасалари (мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари) билан ҳамкорликда мазкур долзарб вазифани амалга оширишга масъулдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбирлари билан айтганда ўз боламизни ўзимиз асрамоғимиз лозимлигини бугун ҳаётнинг ўзи яна бир бор кўрсатиб бермоқда.

REFERENCES:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 88
2. Абдурашидова, Нилуфар Абдурашидовна, & Ҳасанов, М. (2022). ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ДИН ВА АХЛОҚНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 1226-1235.

3. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). ШАХС ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИЛМНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (7), 35-39.
4. Жуманиёз Султонович Раматов, Машкура Инамжанована Рахимова, & Миршод Нўймонович Ҳасанов (2022). МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 1031-1036.
5. З. Н. Бобошев, М.Н.Ҳасанов, & Э.А.Нуруллаев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ АСОСЧИСИ СИФАТИДА . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 108–115. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/623>
6. Ж. С. Раматов, М. Ҳасанов, & Лочин Азаматович Валиев (2022). АУРОБИНДО ГХОШ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАЛСАФИЙ МЕЪРОСИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 1161-1169.
7. J. S. Ramatov, M. Hasanov AL-FAROBİY SIYOSIY DAVRAN VA IJTIMOİY- MADANIY ANVOL // *Pedagogik fanlarda akademik tadqiqotlar*. 2022 yil. 6-son. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/al-farobiy-davridagi-siyosiy-va-izhtimoiy-madaniy-vaziyat> (kirish sanasi: 12.11.2022).
8. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>
9. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 952-956. 10. Ramatov, J.S., Valiev, L.A., Hasanov, M.N. XIX ASRDA HINDISTONDAGI IZHTIMOII - FALSAFIY JARAYONLAR // *ORIENSS*. 2022. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/hih-asrda-indistondagi-izhtimoiy-falsafiy-zharayonlar> (kirish 12/11/2022).
11. Ф. А. Кушаков, М. Н. Ҳасанов, Р. Ў. Баратов, Ж. С. Раматов, & С. Ҳ. Султанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 803-810. 12. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Ҳ., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Ҳасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ.
13. *World scientific research journal*, 8(1), 102-108. 13. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Ҳ., Муратова, Д.А., Ҳасанов, М.Н., & Эрниёзов, У.К. (2022).

ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ.

14. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10), 376-386. 14. Hasanov, M., & Tuhtaboev, E. (2021). THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S

15. VIEWS). Innovative Technologica: Methodical Research Journal, 2(05), 1-6. 15. Hasanov M., Tuhtaboev E. THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS)

16. //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 1- 6.16.

17. М.Н.Ҳасанов, Д.А.Ҳафизов, Р.Х.Тоиров, & Х.Қ.Болтабоев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 137–140. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/627>

18. Kaipbergenova, D. (2016). СНЕТ ТИЛИ О'QITUVCHILARINING KASBIY VAZIFALARI VA PEDAGOGIC MAHORATI HAQIDA. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 33(4), 48-50.

19. Orakbayevna, K. D., Normuminovich, M., & Muxiddinovna, M. Z. (2021). English language teaching methodology for non-native speakers. Linguistics and Culture Review, 5(S3), 1721-1725.

20. Orakbayevna, K. D. (2022, February). SYNTACTIC AND SEMANTIC FEATURES OF COMPARISON IN ENGLISH, UZBEK AND RUSSIAN LANGUAGES. In Conference Zone (pp. 145-147).

21. KHUSENALIYEVNA, K. D., CHORIYEVNA, A. Z., & ORAKBAYEVNA, K. D. (2021). Lexico-semantic features of technical teams of English and Uzbek languages. Journal of Contemporary Issues in Business and Government, 27(2), 4083-4088.

22. Orakbayevna, K. D. (2022). THE IMPORTANCE OF GRAMMAR IN LEARNING A FOREIGN LANGUAGE. Confrencea, 7(7), 69-72.

23. Orakbayevna, K. D. (2022). Using effective language learning strategies in teaching English. Texas Journal of Philology, Culture and History, 2, 1-3.

24. Orakbaevna, K. D. (2022). USING THE PRINCIPLE OF UNITY IN EDUCATION. PEDAGOG, 1(4), 1467-1473.

25. Kaipbergenova, D. (2017). THE IMPORTANCE OF MATERIAL DESIGNING IN LANGUAGE TEACHING. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 34(3), 62-63.
26. Kaipbergenova, D. (2016). СНЕТ ТИЛИ О'QITUVCHILARINING KASBIY VAZIFALARI VA PEDAGOGIC MAHORATI HAQIDA. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 33(4), 48-50.
27. Бўрихаджаева, М.С. (2023). МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ КОРИДОРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3 (1-2), 338-345.
28. M.S.Bo'rixadjayeva. (2023). YANGI O'ZBEKISTONDA TA'LIM MUASSASALARIDA BERILAYOTGAN E'TIBOR VA TALABALARNI IMLIY FAOLYATGA YO'NALTIRISH . *PEDAGOGS Jurnal*, 28(1), 68–75. Retrieved from <http://pedagoglar.uz/index.php/ped/article/view/3107>
29. M.S.Bo'rixadjayeva. (2023). PEDAGOGIKNING KASBIY MAHORATINI SHAKLANTIRISH INTERFAOL USULLARI . *World Scientific Research Journal*, 12(2), 128–133. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2541>
30. Bo'rixadjayeva, M. S. (2023). YANGI O'ZBEKISTONDA IQTISODIY TAFAKKURNI SHAKLLANISHINING USULLARI. *World scientific research journal*, 12(2), 134-138.
31. Bo'rixadjayeva, M. S. (2023). BUGUNGI KUN YOSHLARNI HAYOTIY BARDOSHLILIGI–MUAMMOLARNI YENGISH MANBAI SIFATIDA. *World scientific research journal*, 12(2), 139-143.